

## КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЯНГИ ЯРАТИЛГАН НАВ ДУРАГАЙ ТИЗМАЛАРИНИНГ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Юсупов Насрилло Хабибилаевич

ORCID: 0009-0003-2972-4918

Сиддиқов Алишер Равшанбекович

мустақил изланувчи

ORCID: 0009-0006-5683-4700

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институт

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21254061>

**Аннотация.** Бугунги кунда нафақат юқори ҳосилдорлик, балки етиштирилаётган дон ва дон маҳсулотлари сифатига хусусан, доннинг технологик сифати ҳамда озиқавий кўрсаткичларига бўлган талаб ҳам кучаймоқда. Ушбу мақолада кузги юмшоқ буғдойнинг назорат кўчатзорида ўрганилган 13 та нав ва дурагай тизмаларининг ҳосилдорлик ҳамда доннинг технологик сифат кўрсаткичларини таҳлиллари келтирилган.

**Калит сўзлар:** кўчатзор, кузги буғдой, нав, дурагай тизма, андоза, оқсил, клейковина, ИДК, ҳосилдорлик.

**Аннотация.** В настоящее время всё большее внимание уделяется не только повышению урожайности, но и качеству производимого зерна и продуктов его переработки, в частности технологическим и пищевым показателям зерна. В данной статье представлены результаты анализа урожайности и технологических показателей качества зерна 13 сортов и гибридных линий озимой мягкой пшеницы, изученных в контрольном питомнике.

**Ключевые слова:** питомник, мягкая озимая пшеница, сорт, гибридная линия, стандарт, белок, клейковина, ИДК (индекс деформации клейковины), урожайность.

**Abstract.** Today, increasing attention is being paid not only to achieving high grain yields but also to improving the quality of grain and grain products, particularly the technological and nutritional properties of grain. This article presents an analysis of the grain yield and technological quality characteristics of 13 winter bread wheat varieties and hybrid lines evaluated in the control nursery.

**Keywords:** nursery, winter bread wheat, variety, hybrid line, standard, protein, gluten, gluten deformation index (GDI), grain yield.

**Кириш.** Жаҳонда аҳоли сонининг жадал тарзда ортиб бораётганлиги, асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлган – бўлган талабнинг кескин ошиши дон ва дон маҳсулотлари сифатига бўлган талабни ҳам кучайтирмоқда шу аснода унинг сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Бугунги кунга келиб, кузги юмшоқ буғдойнинг юқори ҳосилдорлик кўрсаткичи билан бирга юқори сифатли донга эга янги навларни яратишга зарурат ортмоқда.

ФАО маълумотларига кўра, глобал миқёсда буғдой маҳсулотларига бўлган талаб барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, сифатли дон етиштириш масаласи долзарб муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Кузги юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum* L.) дунё бўйича асосий озиқ-овқат экинларидан бири ҳисобланиб, унинг дон сифати нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Дон таркибидаги оқсил миқдори, клейковина (gluten) сифати ва миқдори, доннинг табиий

оғирлиги ҳамда 1000 дон дон вази каби кўрсаткичлар буғдойнинг технологик қийматини белгилайди. Шубоис, селекция жараёнида нафақат ҳосилдорлик, балки дон сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳам устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Маҳаллий навлар юқори экологик мослашувчанлик хусусиятига эга бўлсада, ҳар доим ҳам янги селекцион навлар яратиш учун талаб қилинадиган сифатга эга эмас. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши талабларига тўла жавоб берадиган навлар яратиш учун селекция ишида хорижий мамлакатлар навларидан ҳам фойдаланиш зарур деб таъкидлайди [7]

**Materiallar va uslublar** Тажрибани олиб боришда Дала тажрибаларини ўтказиш услублари.[2], Дон экинларида тажрибалар ўтказиш бўйича услубий қўлланма. [3]., Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. [4]., “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” [5] қўлланмалари қўлланмалардан фойдаланилди.

**Natijalar va munozara.** Кўчатзордаги нав ва дурагай тизмаларни ҳосилдорлик кўрсаткичлари ўрганилганда андоза навларда Чиллаки навида 53,0 центнер, Краснодар-99 навида 68,7 центнерни ташкил этди. Кўчатзорда энг юқори ҳосилдорлик кўрсаткич КН-5126 (Ок-ёр) дурагай тизмасида 78,6 центнерни ташкил этиб, назорат навларга нисбатан 9,9-25,6 центнергача қўшимча дон ҳосили олинди. Тажибадаги АС-2012-Д-44 дурагай тизмасида уч йиллик ўртача ҳосилдорлик гектаридан 71,1 центнер, АС-2012-Д-11, АС-2010-Д-22 дурагай тизмаларида 70,1 центнерни ташкил этиб, андоза Чиллаки навида нисбатан 17,1-18,1 центнер юқори ҳосил олинганлиги аниқланди.

Кўчатзордаги дон технологик сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида таҳлил қилинганда дон натураси андоза Чиллаки навида 805 гр/л бўлиб, АС-2012-Д-44 дурагай тизмасида 810 гр/л, АС-2012-Д-1 дурагай тизмасида 815 гр/л, АС-2012-Д-3 дурагай тизмасида 820 г/л танлаб олинган КН-5126 (Ок-ёр) дурагай тизмасида эса 818 гр/л ни ташкил этиб, кўчатзордаги бошқа дурагай тизмаларда 715-800 гр/л оралиғида бўлгани таҳлил натижаларида аниқланди.

### 1-Жадвал

**Кузги юмшоқ буғдой навларининг рақобатли нав синаш кўчатзориди ҳосилдорлик кўрсаткичлари.**

№	Нав ва намуналар	Йиллар			Ўртача ҳосил, ц/га	St навга нисбатан (+/-)
		2019	2020	2021		
1	Чиллаки st	52,3	51,7	55,0	53,0	0
2	Краснодар-99 st	67,9	68,5	69,7	68,7	15,7
3	<b>КН-5126 (Ок-ёр)</b>	77,9	78,3	79,6	78,6	25,6
4	АС-2010-Д-34	67,2	66,5	64,6	66,1	13,1
5	АС-2015-С210	65,2	63,7	63,4	64,1	11,1
6	АС-2010-Д10	63,4	62,1	62,9	62,8	9,8
7	АС-2011-Д-1	69,7	70,1	68,1	69,3	16,3
8	АС-2010-Д-22	70,5	69,7	70,1	70,1	17,1
9	АС-2012-Д-12	65,1	63,9	63,3	64,1	11,1

10	АС-2012-Д-44	71,5	70,7	71,1	71,1	18,1
11	АС-2012-Д-11	69,9	70,2	70,2	70,1	17,1
12	АС-2012-Д-3	65,8	65,9	66,3	66,0	13,0
13	АС-2012-Д-34	64,5	63,7	64,1	64,1	11,1
	<b>НСР<sub>05</sub> /га</b>	0.58	2.50	1.78		
	<b>НСР<sub>05</sub>%</b>	0.93	2.75	2.75		

Доннинг шафофлиги нав ва дурагай тизмаларда 48,7-71,0 % оралиғида бўлиб, юқори кўрчаткичлар АС-2012-Д-1 дурагай тизмасида 71,0 %, АС-2010-Д-34 дурагай тизмасида 67,8 %, АС-2011-Д-1 дурагай тизмасида 67,2 %, АС-2010-Д10 дурагай тизмасида 65,2 %, АС-2012-Д-44 дурагай тизмасида 64,0 %, АС-2012-Д-3 дурагай тизмасида 63,5 %, андоза Краснодар-99 навида 62,3 %, Чиллаки навида 60,0 % танлаб олинган КН-5126 (Ок-ёр) дурагай тизмасида эса 60,4 % ни ташкил этди

Дон технологик сифат кўрсаткичларидан асосий нонбоплик хусусиятларини белгиловчи клейкавина миқдори лаборатория шароитида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткичлар **КН-5126 (Ок-ёр)** дурагай тизмада 30,5 %, андоза Чиллаки навида 30,0 %, АС-2010-Д34 дурагай тизма 29,7 %, АС-2010-Д22 дурагай тизмида 29,5 %, АС-2012-Д-44 дурагай тизмасида 29,2 %, АС-2012-Д-12 дурагай тизмасида 28,7 % ни ташкил этди.

Дон таркибидаги оқсил миқдори андоза Чиллаки навида 14,2 %, Краснодар-99 навида 13,9 % , АС-2010-Д-22, АС-2012-Д-1, АС-2011-Д1 дурагай тизмаларида 14,0%, АС-2012-Д-12 дурагай тизмасида 14,2 %, АС-2012-Д-44 дурагай тизмасида 14,3 % ни ташкил этиб, танлаб олинган КН-5126 (Ок-ёр) дурагай тизмасида 14,7 %, ўрганилган бошқа дурагай тизмаларда оқсил миқдори ўртача 12,7-14,1 % ташкил этганлиги таҳлил натижасида аниқланди

## 2-Жадвал

**Рақобатли нав синовидаги танланган нав ва линияларнинг дон технологик сифат кўрсаткичлари 2019-2021 йй.**

№	Нав ва линиялар номи	Дон натураси, (гр)	Шафофлиги (%)	Клейкавина (%)	Оқсил миқдори (%)	ИДК (%)	Группаси
1	Чиллаки st	805	60,0	30,0	14,2	75	I
2	Краснодар-99 st	816	62,3	27,9	13,9	85	II
3	<b>КН-5126 (Ок-ёр)</b>	<b>818</b>	<b>60,4</b>	<b>30,5</b>	<b>14,7</b>	<b>75</b>	<b>I</b>
4	АС-2010-Д-34	790	67,8	29,7	14,1	70	I

5	АС-2015-С210	765	60,5	24,2	12,7	100	II
6	АС-2010-Д10	800	65,2	24,8	13,0	80	II
7	АС-2011-Д-1	720	67,2	30,0	14,0	75	I
8	АС-2010-Д-22	793	60,8	29,5	14,0	80	II
9	АС-2012-Д-12	750	59,9	28,7	14,2	85	II
10	АС-2012-Д-44	810	64,0	29,2	14,3	95	II
11	АС-2012-Д-1	815	71,0	28,2	14,0	80	II
12	АС-2012-Д-3	820	63,5	27,8	13,5	80	II
13	АС-2012-Д-34	715	48,7	25,5	13,2	115	III

ИДК кўрсаткичи андоза Краснодар-99 навида 85 бирликни, андоза эрта пишар Чиллаки нави хамда **КН-5126 (Ок-ёр) АС-2010-Д-34** АС-2011-Д-1 дурагай тизмаларида 75 бирликни I-гурухга мансублиги тажрибада ўрганилган бошқа дурагай тизмаларда эса ушбу кўрсаткич 85-105 % ташкил этиб, ИДК кўрсаткичи асосан II-III-гурухга мансублиги тахлил натижаларида аниқланди.

**Хулоса** ўрнида тажрибамизда ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича юқори кўрсаткичлар танлаб олинган КН-5126 (Ок-ёр) дурагай тизмасида гектаридан 78,6 центнер, АС-2012-Д-11, АС-2012-Д-44, дурагай тизмаларида мос равишда гектаридан 70,1, 71,1 центнер ҳосил олиниб назорат Чиллаки навига нисбатан 25,6-17,1 центнергача юқори ҳосил олинди. Доннинг технологик сифат кўрсаткичлари бўйича КН-5126 (Ок-ёр), АС-2010-Д-34, АС-2011-Д-1 дурагай тизмаларида аниқланди.

### Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.02.2021 йилдаги “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5009-сон қарори.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари ЎзПИТИ.Тошкент–2007. Б. 61
3. Дон экинларида тажрибалар ўтказиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент., 2025 йил Б.131
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта – Москва: Колос, 1985. С.260.
5. “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”.М.Колос.1964.
6. Сиддиқов Р.И “Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида кузги буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиясининг илмий-амалий асослари ”. Монография Тошкент.2015 йил., “Фан” нашриёти, Б.219.
7. Хўджақулов Т., Каршиева.У, Келдиёрова.Х “Калта пояли буғдой селекцияси учун бошланғич манба” АГРО ИЛМ журналы №4. 2017 й 29 бет